



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-ракам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ	
Вехзоджон Усмонович Шермухамедов Тижорат banklari depozit siyosatining qiyosiy tahlili	149
Хуббим Аскарлович Улашев Иқтисодиётнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни	153
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Анвар Нематович Холиқулов Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили	158
Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи	162
Бобур Фарходович Боронов Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш	166
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Шавкат Собирович Олтаев Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар	171
Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов Марказий Осиё илм-фани ривожда Амир Темур ва Темурийларнинг тугган ўрни	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.	180
Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари	184
Садулла Шодиевич Уразов Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида	188
Ҳилола Нематовна Очилова Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари	192
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.	197
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.	198

<p>Б.Шермухамедов Сравнительный анализ депозитной политики коммерческих банков</p>	<p>B.Shermukhamedov Comparative analysis of deposit policy of commercial banks</p>
<p>Аннотация: В статье проанализирована депозитная политика государственных коммерческих банков и частных банков, действующих в Республике Узбекистан, а также обобщены показатели, относящиеся к условиям и факторам, влияющим на депозитную политику. По результатам сравнительного анализа практики привлечения во вклады государственных коммерческих банков и частных банков разработаны научные предложения и практические рекомендации по совершенствованию депозитной политики государственных коммерческих и частных банков.</p> <p>Ключевые слова: депозит, депозитная политика, срочные депозиты, депозитные операции, пассивные операции, маркетинговая политика, депозитная база.</p>	<p>Abstract: In the article the deposit policy of the state commercial banks and private banks operating in the Republic of Uzbekistan is analyzed, and the indicators related to the conditions and factors affecting the deposit policy are summarized. According to the results of the comparative analysis of the practice of attracting deposits of state commercial banks and private banks, scientific proposals and practical recommendations have been developed to improve the deposit policy of state commercial banks and private banks.</p> <p>Keywords: deposit, deposit policy, term deposits, deposit operations, passive operations, marketing policy, deposit base.</p>

Хуббим Аскарлович Улашев – СамИСИ, “Иқтисодиёт назарияси” кафедраси доцент в.б.

ИҚТИСОДИЁТНИНГ КЕЛГУСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ

<p>Аннотация: мақолада мамлакатга киритилаётган ҳар бир хорижий инвестиция мамлакатнинг иқтисодий ўсишини белгиловчи муҳим омил бўлиб хизмат қилишига урғу берилади. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш бўйича таклифлар билдирилган.</p> <p>Калит сўзлар: инвестиция, ялпи ички маҳсулот, иқтисодий омил, иқтисодий ўсиш, хизмат, хорижий инвестиция, фаол инвестиция, миллий иқтисодиёт, саноат тармоқлари, инвестициявий муҳит.</p>

Кириш. Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган кичик саноат корхоналарини жадал ривожлантириш, техник жиҳозлаш, юксак технологиялар асосида ишлайдиган автомобилсозлик, газ-кимё, электр техникаси, тўқимачилик, озик-овқат, фармацевтика, ахборот ва телекоммуникация тармоқлари ҳамда бошқа йўналишлардаги янги ва замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини юритишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Инвестиция сиёсатининг асосий мақсади хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб қилиш орқали иқтисодиётимизнинг реал сектори салоҳиятини ошириш, мамлакат ҳудудларида янги, замонавий, рақамли технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини кўпайтириш ва бунинг натижасида мамлакатни барқарор ва мутаносиб тарзда ижтимоий ва иқтисодий томонлама ривожлантиришдир.

Мамлакат иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар миқдори ва унинг динамикаси мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатларини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Иқтисодиёни модернизациялашнинг муҳим бир йўналишини англашга ва уни амалга ошириш мақсадида инвесторларни кенг жалб этиш

муҳимдир. Мамлакатимизда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Бунда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан вазифалар мустақкам замин яратмоқда [1].

А.П.Ивановнинг фикрича, устувор инвесторлар бу ишлаб чиқариш жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш ва маҳсулот қайтими юқори бўлган жараёни ташкил этиш, миллий иқтисодиётнинг саноат тармоқлари корхоналарини етакчи корхонага айлантириш имконини берувчи йирик трансмиллий корпорациялардир [5].

Мамлакатимиз олимлари инвестицияга иқтисодий категория сифатида ёндашиб, турлича таърифлар беришган. Қуйидаги таърифда инвестициялар узоқ муддатли қўйилмалар сифатида талқин этилади: «...инвестициялар - барча турдаги мулккий ва интеллектуал бойликларни узоқ муддатли қўйилмалар тариқасида халқ хўжалиги тармоқларига сарф этиладиган харажатлар йиғиндисини акс эттиради» [1].

А.Ўлмасов ва Н.Тўхлиевларнинг фикрича: «Инвестиция иқтисодиётнинг барча соҳа, бўғинларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида моддий ва номоддий, инсон капиталини иқтисодиётга **киритиш** йўли билан амалга оширилган **капитал** жамғариш жараёнидир» [3].

Инвестициянинг мазмуни Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунида: «...қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тадбиркорлик фаолияти ва бошқа турдаги фаолият объектларига киритиладиган моддий ва номоддий неъматлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар», [1] сифатида таърифланади. Фикримизча, ушбу таъриф инвестицияга ҳуқуқий-меъёрий жиҳатда ёндошув натижаси сифатида намоён бўлади.

Иқтисодчи-олим Н.Ҳайдаров инвестицияларга ўз муносабатини билдириб, «Инвестициялар - бу мулк шаклидан қатъи назар, тадбиркорлик асосида фаолият юритаётган жисмоний ва юридик шахслар ёки давлатнинг иқтисоди ва интеллектуал бойликларини қонун доирасида бўлган ҳар қандай тадбиркорлик объектига сарфланишидир» [5], деб таъриф беради.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот диалектик дунёқараш тамойиллари асосида бажарилди. Инновация ва инвестиция жараёнларини ўрганишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда ва тизимли ёндашув услуги қўлланилди.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида инвестициялар учун мамлакатлараро кучли курашнинг бўлиши табиий. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш, иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг жалб қилинишини таъминлайдиган муҳитни такомиллаштириш, маблағларни устувор тармоқларга сафарбар қилиш ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўналишларда мужассам этиш - фаол инвестиция сиёсатининг асосий тамойили ҳисобланади. “Биз фақат инвестицияларни фаол жалб қилиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ҳисобидан иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришга эришамиз”¹.

Бозор муносабатларига жадал ўтишни таъминлаш, шаффоф ва рақобат муҳитини шакллантириш ва иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида тадбиркорлик фаолиятини фаол ривожлантиришни мақсад қилган эканмиз, Ўзбекистонда давлат активларини оммавий хусусийлаштириш ишлари йўлга қўйилиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида 21 та эркин иқтисодий зоналар мавжуд бўлиб, улардан 19 таси саноат, 1 таси қишлоқ хўжалиги ва 1 таси туризм соҳасига ихтисослашган. 2008 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида 2,4 миллиард долларлик жами 448 та лойиҳалар амалга оширилди. Умумий

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь.

суммадан 764,6 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар ҳисобига 34 мингга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ушбу лойиҳаларнинг энг йириги Ангрен эркин иқтисодий зонасида (730,7 млн. долларлик 73 та лойиҳа), “Ургут” эркин иқтисодий зонасида (312,9 млн долларлик 55 та лойиҳа), “Навоий” эркин иқтисодий зонасида (282,8 млн. долларлик 53 та лойиҳа) ва “Бухоро-агро” эркин иқтисодий зонасида (325,1 млн. долларлик 112 та лойиҳа) амалга оширилди.

2020 йил якунига қадар фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналар ҳудудларида умумий қиймати 487,4 млн долларга тенг бўлган 128 та лойиҳа амалга оширилди. Шундан 162,1 млн долларни тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Лойиҳалар замонавий иссиқхоналар қуриш (204,7 млн долларлик 62 та лойиҳа), қурилиш материаллари ишлаб чиқариш (140 млн долларлик 18 та лойиҳа), кимё ва нефть-кимё саноати (50,6 млн долларлик 13 та лойиҳа), озиқ-овқат саноати (15,9 млн долларлик 10 та лойиҳа), тўқимачилик саноати (20,1 млн долларлик 8 та лойиҳа), машинасозлик (6 млн долларлик 2 та лойиҳа), чарм-пойабзал саноати (14,9 млн долларлик 5 та лойиҳа), электротехника саноати (13,7 млн долларлик 3 та лойиҳа), фармацевтика саноати (56,3 млн долларлик 6 та лойиҳа), мебель ва қоғоз ишлаб чиқариш (1,1 млн долларлик 1 та лойиҳа) каби соҳаларни қамраб олди.

Кўриб чиқилаётган даврда эркин иқтисодий зоналар иштирокчи корхоналар 11,9 трлн сўмлик 538 турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариб, 257,6 млн долларлик маҳсулотларни экспорт қилдилар, бу эса пандемиянинг салбий иқтисодий оқибатларига қарамай, 2019 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 145 фоизга ошди. Шунингдек, 186 та янги корхона эркин иқтисодий зоналар иштирокчиси мақомини олди.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви дунё мамлакатларининг инвестиция фаолиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Шу боис, мамлакат иқтисодиётининг инвестицион жозибадорлигини ошириш ва миллий иқтисодиётга кириб келаётган инвестицияларнинг ҳажмини ҳамда иқтисодий самарадорлигини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Хорижий инвесторлар учун республикада яратилган кафолатлар, имтиёзлар ва рағбатлантириш чоралари Ўзбекистоннинг капитал сарфлаш учун қулай, ҳамкорлик учун ишончли мамлакат эканлигидан дарак беради.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, жами инвестицияларнинг таркибида ишлаб чиқаришга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши катта. 2019-2020 йилларда инвестицияларнинг асосий қисми иқтисодиётнинг тоғ-кон саноати, ишлаб чиқариш саноати, турар-жой қурилишига, ташиш ва сақлаш фаолиятларига тўғри келган. Жами инвестициялар ҳажмида уларнинг улуши 63,6 фоизни ташкил этган. Шунингдек, ўрганилаётган даврда, социал аҳамиятга эга бўлган фаолият турларига – электр энергияси, газ, буғ ва конденцияланган ҳаво учун, сув билан таъминлашга, канализация, чиқиндиларни йиғиш ва қайта фойдаланишга, ташиш ва сақлашга, ахборот ва алоқага киритилаётган инвестициялар ҳажми ўсиш тенденциясига эга.

1- жадвал

Асосий капиталга инвестицияларнинг асосий фондлар турлари бўйича таркиби (млрд.сўмда)

Асосий фондлар	2019 йил	2020 йил
Жами	195927,3	210195,1
Турар-жой бинолари	20621,9	23200,8
Нотурар-жой бинолари	33408,1	38172,7
Бошқа иншоотлар	23148,7	27039,0
Ерни яхшилаш	127,3	285,9
Машина ва ускуналар, жами	107305,8	110493,8
шу жумладан:		

Транспорт ускуналари	16588,2	12415,2
Ахборот, компьютер ва телекоммуникация (АКТ) ускуналари	3194,8	7347,0
Бошқа машина ва ускуналар	87522,7	90731,6
Бир неча марта маҳсулот берувчи, хайвонлар ресурслари	2418,9	2843,0
Бир неча марта маҳсулот берувчи дарахтлар, сбижс хўжалик экинлари ва кўчатлар ресурслари	372,0	880,7
Ноишлаб чиқариш активларга мулк ҳуқуқини бериш билан боғлиқ харажатлар	198,1	225,0
Компьютер дастурий таъминоти ва маълумотлар базалари	28,7	25,2
Кўнгилочар, адабий ва бадий асарларнинг асл нусхалари	3,7	1,6
Илмий тадқиқотлар ва ишланмалар	5,9	86,5
Фойдали қазилмалар захираларини разведка қилиш ва баҳолаш	763,7	26,7
Бошқа интеллектуал мулк маҳсулотлари	330,1	229,0

Юқорида кўриб чиқилган ҳолатлар таҳлили шундан далолат берадики, инвестициялар иқтисодий тараққиётни таъминловчи муҳим молиявий манба ҳисобланади. Бу молиявий манбалар мамлакат иқтисодиётининг ўсиши, меҳнат унумдорлигининг ошиши, аҳолининг иш билан бандлигини ортиши ва бизнес кўламининг кенгайишга хизмат қилиши мумкин. Мамлакатда реал секторнинг янада тараққий топиши учун иқтисодиёт тармоқлари кўламининг оширилиши ва миллий ишлаб чиқарувчиларнинг мавжуд ички ва ташқи имкониятлардан самарали фойдаланганлари ҳолда ўз фаолиятларини мақсадли ва оқилона ташкил этишни талаб қилади.

Иқтисодий самара – қўйилган капиталнинг инвестициялаш натижасида олинган натижаси бўлса, **иқтисодий самарадорлик** эса олинган иқтисодий самара ёки инвестиция натижасида олинган фойда билан инвестиция миқдори ўртасидаги нисбатни англатади. Иқтисодий самара бу инвестиция ҳисобига олинган даромаддан қўйилган капитал суммаси айрилиб топилади ва қуйидагича ҳисобланади;

$$E = D - K$$

Иқтисодий самарадорлик қўйилган инвестициядан олинган фойда, даромадни қўйилган капитал суммасига бўлиш орқали топилади.

$$E = \frac{I_f}{K}$$

Мамлакат иқтисодиёти миқёсида инвестициянинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи мамлакатда яратилган ялпи миллий маҳсулот миқдорини мамлакат миқёсида қўйилган инвестиция миқдорига бўлиш орқали топилади.

$$E = \frac{YaMM}{K}$$

Иқтисодий самара вақт функцияси ҳисобланиб, бошланишида у салбий кўринишда бўлади, чунки қўйилган капиталдан ҳали даромад олинмаган бўлади. Вақт ўтиши билан капитал қайтими бўлган сари даромад орта боради ва бу ижобий натижага эришилади, яъни қўйилган капиталдан олинган даромад вақт ўтган сари қўйилган капитал миқдоридан орта боради.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридаги маълумотлардан хулоса қилиб айтганимизда, жаҳон амалиёти ва тажрибаси шуни кўрсатадики, бизнеснинг инвестиция ва инновацион фаолиятига тўсқинлик қилаётган муаммоларни энди оддий воситалар билан, яъни имтиёзлар бериш ёки янги декларатив меъёрларни нашр этиш билан ҳал қилишнинг имкони йўқ.

Республика иқтисодиётига инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш учун қуйидаги таклифларни билдирамиз:

- тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, яъни бизнес билан доимий мулоқот, муайян секторларнинг ривожланишига тўсқинлик қиладиган тўсиқларни аниқлаш ва енгиб ўтиш бўйича астойдил иш олиб бориш керак;

- замонавий такрор ишлаб чиқариш асосий институтларини реструктуризациялаш (мулкий ишлаб чиқариш, товар ва молиявий таркибини мақсадга мувофиқ ўзгартириш, янгилаш ва қайта шакллантириш);

- хўжалик тизимларини ва бутун миллий иқтисодиётни таркибий тузилишини такомиллаштириш;

- бандлик муаммосининг ҳал қилиниши, ижтимоий соҳа ва бошқа ижтимоий самаралари билан боғлиқ инвестицияларни кўпайтириш;

- иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини тартибга солиш.

Иқтисодиётни модернизациялашнинг молиявий ресурс таъминоти асосини инвестициялар ташкил этади. Инвестицияларни жалб этишда иқтисодиётнинг энг истиқболли ва ҳаёт учун муҳим йўналишлари, комплексларига ва бошқа асосий тармоқларга жалб этишни кенг миқёсида йўналтира оладиган бўлсак, республикамиз иқтисодиётига хизмат қилувчи устувор тармоқларни ривожлантиришга муваффақ бўлишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни “Инвестиция фаолияти тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (2014 йил 9 декабрь)
2. Ғозибеков Д.Ғ., Қоралиев Т.М. Инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва давлат томонидан тартибга солиш. - Т.: ТМИ, 1997. — 72 б.
3. Ўлмасов А., Тўхлиев Н. Бозор иқтисодиёти: қисқа луғат-маълумотнома. - Т.: Комуслар бош таҳририяти. 1991. - 41 б
4. Иванов, А.П. Финансовые методы управления инвестиционной привлекательностью компании / Иванов А.П., Сахаров И.В, Хрусталева Э.Ю. // Аудит и финансовый анализ. - 2006. - № 1. - С. 126.
5. Ҳайдаров Н.Х. «Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини такомиллаштириш масалалари» мавзусидаги и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. — Т.: Академ-Хизмат. 2003. – 14-15-б.

Х.Улашев	Kh.Ulashev
Роль инвестиций в будущем развитии экономики	The role of investment in the future development of the economy
Аннотация. В статье подчеркивается, что каждая иностранная инвестиция в страну служит важным фактором, определяющим экономический рост страны, вносятся предложения по ускорению привлечения инвестиций в экономику.	Abstract. The article emphasizes that each foreign investment in the country is an important factor determining the country's economic growth, and proposals are made to accelerate the attraction of investments into the economy.
Ключевые слова: инвестиции, валовой внутренний продукт, экономический фактор, экономический рост, услуги, иностранные инвестиции, активные инвестиции, национальная экономика, отрасли промышленности, инвестиционный климат.	Keywords: investment, gross domestic product, economic factor, economic growth, services, foreign investment, active investment, national economy, industries, investment climate.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023